Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 13 октябрь, сешанба • № 122 (23.359).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Президент ҳузурида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 октябрь куни Россия Федерацияси Татаристон Республикасининг Президенти Минтемир Шаймиевни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Россия Федерациясининг субъекти бўлган Татаристон Республикаси билан мамлакатимиз ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорлик алоқалари тобора ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Ўзбекистон билан Татаристон ўртасида корхоналар, ишбилармон доиралар даражасида тўғридан-тўғри алоқалар кенгаймоқда, — деди жумладан Ислом Каримов. — Ўйлайманки, ташрифингиз ўзаро манфаатли муносабатларимизнинг янада ривожланишига туртки бўлади.

Президент М. Шаймиевга Татаристон ҳукуматининг расмий делегацияси ҳамда қатор корхоналар раҳбарлари ва ишбилармонлар ҳамроҳлик қилмоқда. Мазкур ташриф доирасида Тошкентда икки томонлама музокаралар ҳамда қатор вазирлик ва идоралар, корхоналар раҳбарлари, ишбилармонларнинг анжумани бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари икки тадбир ҳам ўзаро муносабатлар ривожида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Шу ўринда, 1993 йилда Ўзбекистон ва Татаристон ҳукуматлари ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги Битим имзоланганини эсламоқ жоиз. Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 40 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Татаристон Ўзбекистонга кимё ва нефть кимёси саноати маҳсулотлари, қора металлдан ишланган буюмлар, авиация двигателлари, насослар экспорт қилади. Ўзбекистон эса Татаристонга енгил автомобиль, рангли металл, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб беради.

Айни кунда Татаристон Ўзбекистонга нефть-газ соҳасида ишлатиладиган жиҳозлар, енгил ва фармацевтика саноати маҳсулотларини экспорт қилиш, бу ердан енгил саноат, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари импорти ҳажмини ошириш, корхоналараро алоқаларни фаоллаштириш, маданият соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш истагида. М. Шаймиев шулар ҳақда сўзлар экан, Ўзбекистондан олинаётган автомобилсозлик маҳсулотлари, мебеллар ҳажмини ошириш нияти борлигини ҳам маълум қилди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Татаристон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Б. Ҳамидов, мамлакатимиз ташқи иқтисодий алоқалар вазири Э. Ғаниев, Татаристон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. Муратов иштирок этди.

(ЎзА)

Ўзбекистон — Россия:
Стратегик ҳамкорлик йўлида

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин шу йил 11 — 12 октябрь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди

Суратда: учрашув пайти.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ, Рўзмет ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат

Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин 11 октябрь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди. Тошкент аэропортида Борис Ельцин ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан кутиб олди.

Шу куни Дўрмон қароргоҳида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди. Маросимдан сўнг Президентларнинг якама-якка суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш, минтақавий ва умумбашарий хавфсизлик ҳамда бошқа муҳим масалалар хусусида ўзаро фикр алмашилди.

Президентларнинг ўзаро суҳбати кечаётган бир вақтда қароргоҳнинг мажлислар залида икки мамлакат расмий делегацияларининг амалий учрашуви бўлиб ўтди. Учрашув якунига кўра, бир қанча ҳукуматлараро ва идораларо ҳужжатлар имзоланди. Шу ўринда алоқа соҳасида, ноқонуний молиявий операцияларга қарши кураш борасида, божхона ишларида ўзаро ҳамкорлик, шунингдек, маданият соҳасида ҳамкорлик қилишни кўзда тутувчи ҳужжатларни алоҳида таъкидлаш жоиздир. Учрашувда таъкидланганидек, ушбу ҳужжатлар икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада кенгайтириш учун мавжуд имкониятларни тўла ишга солмоғи лозим.

12 октябрь куни эрталаб Дўрмон қароргоҳида икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокаралари бошланди. Музокараларда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий, маданий ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама этилди. Ўзаро алоқаларнинг кенгайишидан икки томон ҳам бирдай манфаат топади. Негаки, икки мамлакатни бир-бирига боғлайдиган омиллар талайгина. Аввало, иқтисодиётда. Икки мамлакат саноат корхоналари ўртасидаги ўзаро тенг манфаатли алоқаларни бугун янада кенгайтириш зарурати туғилмоқда. Хусусан, ҳозир Россияда Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, енгил саноат хомашёси, хусусан, ўзбек пахтасига бўлган эҳтиёж қанчалик катта экани сир эмас. Россия ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари В. Густов журналистлар билан учрашувда айтганидек, «бугун Россия ўз енгил саноатини лоақал бироз бўлса-да ҳаракатга келтириб турмоғи даркор». Бунинг учун эса унга ўзбек пахтаси сув билан ҳаводек зарур.

Музокараларда икки мамлакат минтақалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш муҳим аҳамиятга молик эканлиги алоҳида таъкидланди. Шу ўринда Борис Ельцинга Россиянинг кўпгина йирик вазирликлари ва вилоятлари раҳбарлари ҳамроҳ бўлиб келганини айтиб ўтиш жоиз. Зеро, субъектлар, ҳудудлараро ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш учун албатта ҳукуматнинг аралашуви шарт эмас.

— Ўзаро ҳамкорлик ҳақида гапирганда, аввало, учта муҳим масалага алоҳида эътибор қаратмоқ лозим, — деди Ислом Каримов. — Биринчи масала транспорт харажатлари ва уларнинг тарифлари билан боғлиқ. Негаки, баъзан йўлга кетадиган сарф-харажат олиб келинаётган ёки олиб кетилаётган маҳсулот нархидан қимматга тушаяпти. Иккинчиси шериклик, яъни кооперация масаласи. Мамлакатларимиздаги соҳаларараро шериклик муносабатларини ривожлантириш керак. Яна бир муҳим масала эса божхона, солиқ билан боғлиқдир. Бу борадаги мавжуд муаммоларни бартараф этишдан ҳар икки томон ҳам бирдек манфаат кўради.

Музокараларда икки мамлакат ўртасида имзоланган ҳужжатларнинг амалий жараёни қандай кечаётганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Маълумки, Ўзбекистон билан Россия ўртасида шу кунга қадар давлатлараро, ҳукуматлар ва идораларо юздан зиёд ҳужжат имзоланган. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, агар уларни амалга ошириш учун сиёсий ирода, қатъий хоҳиш бўлмаса, бу ҳужжатлар шунчаки қоғозлигича қолиб кетиши мумкин.

Музокаралар якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича 1998 - 2007 йилларга мўлжалланган Шартнома, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги Декларация, Афғонистондаги вазият бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Қўшма Баёнотига имзо чекдилар. Шунингдек, Россия Федерацияси Президенти Борис Ельциннинг мамлакатимизга давлат ташрифи якунлари бўйича Қўшма Коммюнике қабул қилинди.

Сўнгра икки давлат раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашиб, бўлиб ўтган музокаралар якунлари бўйича қисқача баёнот берди. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан ўзаро якдилликка эришилгани қайд этилди.

— Бугун имзоланган 1998 — 2007 йилларга мўлжалланган икки томонлама иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартнома ҳақида шуни алоҳида таъкидлаш керак-

(Давоми 2-бетда)

Пахтачи тумани меҳнаткашларига

Азиз дўстлар!

Барчангизни мамлакатимизда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш йиллик режасини бажарганингиз билан чин дилдан табриклайман!

Сизларнинг бугунги ютуғингиз том маънода оналарнинг муҳаббат, уни эъзозлаш, ҳар қарич ерни муқаддас билиш ифодаси. Зотан, ерга муносабат, ерни англаш ва уни қадрлаш ҳақиқий деҳқоннинг ноёб фазилатидир.

Сизлар деҳқончиликка замонавий технологияни жорий этиб, агротехника қоидаларига қатъий амал қилиб, уни янгидан-янги тажрибалар билан бойитиб бораётган ибратли ишларингиз, бунёд этган 33 минг тонналик хирмон кўтариш учун тинимсиз изланишлар, фидойи меҳнатларингиз олдида таъзим қиламан.

Азиз дўстлар!

Барчангизни яна бир бор бугунги улкан зафарингиз билан муборакбод этар эканман, Сизларга сиҳат-саломатлик, бахту омад, эзгу ишларингизда муваффақият тилайман. Хонадонингиздан файзу барака, бахту саодат аримасин.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

«Обуна-99»

Газетамизнинг доимий муҳлисимисиз?

— «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана», «Осиё бозори» газеталарига ўтган йили обуна бўлганмисиз?

— Келгуси йил ҳам газеталаримиз билан ҳамкорлик қилиш ниятингиз борми?

Шавкат КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири:

— Мамлакатимизнинг етакчи нашрларидан ҳисобланмиш «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг ҳар бир сонини эътибор билан кузатаман. Газета ижодкорлари давр тақозосига кўра, чинакам «тўртинчи ҳокимият» мақомини қўлга киритиш, алалхусус, шундай улкан масъулиятни адо этишга муваффақ бўлишаётир. Айни пайтда газетада соғлом турмуш тарзи ҳақида мушоҳадали мақолалар ёритиб борилса, нур устига аъло нур бўларди. Ўтган йили ҳам, келгуси йил учун ҳам шахсан ўзим обуна бўлганман газетангизга.

Бугунги кунда газета билан ҳамкор бўлмаган, уни ҳаёт кўзгуси эканлигини ҳис этмаган киши ютқазади. Давр билан ҳамнафас бўла олмайди. Ўз саҳифаларида инсон саломатлигини сақлашдан тортиб бошқа энг муҳим воқеа-ҳодисаларгача акс эттираётган газета — «Ўзбекистон овози» барча шифокорларимизнинг ҳам севимли нашри бўлиб қолишига ишонаман.

Нашр индекслари:

«Ўзбекистон овози»
якка обуначилар учун — 220
ташкилотлар учун — 221
«Голос Узбекистана»
якка обуначилар учун — 121
ташкилотлар учун — 122

Ўзимизга ҳам боғлиқ...

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Манғит шаҳри деҳқон бозорида фуқаро Гулмурод Қурбонбоев ҳеч қандай ҳужжатлари бўлмаган 178 шиша спиртли ичимликларни сотаётганда солиқ идораси ходимлари қўлига тушди. Шу ерда савдо қилаётган Флора Худойберганова эса қалбаки ароқ ясовчиларни таъминловчи «тадбиркор» шекилли, унинг «бозор халта»сидан 120 литр спирт, 690 дона ароқ қопқоғи, 917 дона ароқ ёрлиғи, 69 дона қалбаки акциз маркаси, 1050 дона ҳар хил тамаки маҳсулотлари топилди.

Ким билсин, Элликқалъа туманидаги «Синдор» ошхонаси сотувчиси Гулора Ражабова ҳам қалбаки акциз маркаларини ана шундай «тадбиркор»лардан олгандир. Ҳарқалай, туман солиқ идораси ходимлари ошхонада сотиш учун чиқариб қўйилган 104 шиша ароқнинг акциз маркаси қалбаки эканлигини, 50 шиша маркасиз ароқлар борлигини аниқлашганда сотувчи тилини тишлаб қолди.

Нукуслик К. Убайдуллаева, Г. Тожимуродова, К. Бегимовлар майда-чуйдага овора бўлишмас экан — улар 14 бочка, жами 2800 литр спиртни сотишга ҳозирлаб қўйишган экан.

Қонунбузарларнинг ҳаммаси жиноятларига яраша жазо олишлари табиий. Лекин, келинг, уларнинг чўнтагини қаппайтирадиган «тадбиркорлик» натижасини кўриш учун солиқ идоралари маълумотномаларидан Нукусдаги 1-республика касалхонасига ўтайлик.

... Эндигина 23 ёшни қаршилаган, олий ўқув даргоҳининг толиби К. исмли йигит касалхонага жуда оғир аҳволда келтирилди. Шифокорларнинг ароқдан заҳарланган бу йигитнинг ҳаётини сақлаб қолиш учун анча курашишларига тўғри келди. Тезкор тиббий ёрдам, муолажа натижасида хавф орқада қолди. Аммо ҳамма вақт ҳам ичкиликдан заҳарланган бемор ҳаётини сақлаб қолиш иложи бўлавермайди. Чунончи, юқорида номи тилга олинган 1-республика касалхонасига йил бошидан бери алкоголдан заҳарланиш туфайли 47 бемор тушган бўлса, уларнинг икки нафарининг ҳаётига ичкилик зомин бўлди.

— Сиз ароқдан заҳарланган кишилар рўйхатига эътибор беринг, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги бош токсикологи, биринчи тоифадаги шифокор Одил Ортиқов. — Кўпчилиги вақтинча ишламаётганлар. Лекин ҳаммаси ҳам кўча-кўйда ичиб, нафсини қондириб кетадиган одамлар эмас. Улар орасида студентлар, обрўли лавозимдаги шахслар, ҳатто шифокор ва ҳуқуқшунослар ҳам бор.

Демак, шубҳали, қалбаки спиртли ичимликлар тўй-томошаларимиз, жоиз бўлса, зиёфат дастурхонларимиз устини ҳам эгаллаган экан.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорларда сифатсиз озиқ-овқат товарлари сотилишини бартараф этиш чоралари» тўғрисидаги қарори инсонлар соғлиғига хавф олдига қўйилган қатъий тўсиқ бўлди. Қарор кучга кирган дастлабки кунларданоқ унинг кучи яққол сезилди. Унинг бундан кейинги самараси жойлардаги солиқ, ҳуқуқ идоралари назоратига боғлиқ. Ва яна ўзимизга ҳам. Қарордан кейин ҳам иложини топиб, пана-пастқамда сизга ичимликми, озиқ-овқат маҳсулотими таклиф қилаётган тадбиркорга, гарчи унинг молининг нархи дўкондагидан озгина арзонроқ бўлса ҳам, рад жавобини бера олсангиз бас...

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Пахта — 98

Оқ мавсум оғушида

Сахий кузнинг қуёшли кунлари ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланаётган самарқандлик пахтакорлар бу йил 97 минг гектар ерда пахта етиштирганлар. Вилоят миришкорлари ҳосилдорликни 30 центнерга етказишни мўлжаллашмоқда.

— Мавсум вилоятимиз учун алоҳида масъулият, ғурур касб этяпти. Чунки, қишлоқ хўжалигидаги ғалабалар сари ўтган йили қўйилган тамал тоши ўз самарасини бера бошлади, — дейди вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Алишер Мардиев. — Эндиги асосий мақсад самарқандликларнинг 250 минг тонналик хирмонини тезроқ бунёд этиш.

Вилоятдаги Нарпай, Пайариқ, Оқдарё, Иштихон, Пастдарғом туманларида кунига 3-3,5 фоиздан ошириб пахта териляпти.

Самарқанднинг «оқ олтин» хирмонини тезроқ бунёд этишни қалб амри, виждон бурчи деб билган пахтакорлар ғалаба сари дадил от сураётирлар. Вилоятнинг «Бўстон», «Туркистон», «Ғалаба», Йўлдош Охунбобоев, Шамси Қаҳҳоров, Рўзиқул Маҳмонов номли кўплаб хўжаликлари маррани бирин-кетин забт этмоқдалар. Пахтачи тумани пахтакорлари эл хирмонига 33120 тонна юқори навли пахта ҳосили етказиб, ғалаба рапортига имзо чекдилар. Азаматлар яна 10 минг тонна «оқ олтин» териб, ҳосилдорликни 38 центнерга етказишга аҳд қилдилар. Шунингдек, вилоятнинг Нуробод тумани пахтакорлари ҳам 1050 тонна «оқ олтин» топшириб, шартнома шартларини шараф билан уддалашди. Айни пайтда қўшимча мажбурият ҳисобига дурдона терилмоқда.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Бу дунёнинг ишлари

Президент сайловлари якунланди

«Новости Россия» ахборот агентлигининг хабарига кўра Озарбойжонда 11 октябрь куни Президент сайлови якунланди. Соат 19 да барча сайлов участкалари ёпилди. Озарбойжон Марказий сайлов комиссиясининг ахборотига кўра рўйхатга олинган сайловчиларнинг сайловларда 55 фоизи иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раисининг муовини Мизами Сафаровнинг айтишига кўра, қишлоқ жойлардан сайлов ўтказишда қонунчиликнинг бузилгани ҳақида хабарлар келмоқда.

— Аммо текшириш жараёнида бундай сигналларнинг ҳаммаси ҳам ўз тасдиғини топгани йўқ, текширувлар ва аниқлаш ишлари давом этмоқда, — деди у.

Баъзи сиёсатдонларнинг баҳолашича бу йилги сайловлар 1993 йилга нисбатан анча сусткашлик билан ўтган. Чунки, олдинги сайловда сайловчиларнинг 93 фоизи иштирок этган бўлиб Ҳайдар Алиев учун 98,8 фоиз сайловчилар ўз овозларини берган эди.

Умид учқунлари сўнгани йўқ

Югославия Президенти Милошевичнинг НАТО давлатларининг ҳарбий ҳаракатларини тўхтатишга бўлган имкониятлари тобора қисқармоқда, деди Британия ташқи ишлар вазири Кук. Унинг фикрига кўра Брюсселдаги бугунги бўладиган учрашувларда НАТО давлатларининг ҳарбий ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Бугун Американинг олий даражадаги дипломати Холбрук Милошевич билан яна шу масалада учрашди. Улар ўртасидаги аввалги учрашув етти соат давом этган эди. Аммо, дипломатнинг эътироф этишича бу учрашув ҳам натижасиз якунланди. Ричард Холбрукнинг айтишича у НАТОнинг ҳарбий ҳаракатларини тўхтатиш учун ним қадар имконият бўлса ҳам фойдаланишини таъкидлади. НАТО давлатлари Белграднинг раҳбариятидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Косовога автономия бериш, у ерда қонли урушларни тўхтатиш, ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиш ва қочоқларни ўз ватанига қайтаришни талаб этмоқда.

Югославия осмонида қора булутлар

НАТОнинг Белград шаҳрини бомбардимон қилишидан хавфсираётган Ғарб давлатлари элчихоналари ўз фуқароларини бу мамлакатдан олиб чиқиб кетиш чораларини кўрмоқда. Бугун НАТО давлатлари Брюсселдаги учрашувларида ана шу масалани ҳал этадилар. Маълумки, НАТОнинг кўп давлатлари бу масалага ўз розилигини билдирган эдилар. Бугун Германия, Италия, Португалия давлатлари ҳам бу режага қўшилишлари кутилмоқда. Европада жойлаштирилган Американинг қанотли ракетали самолётлари жанговар ҳолатга келтирилди. Албания ва Болгария НАТО самолётларининг ҳарбий ҳаракатлари учун ўз чегаралари осмонларидан фойдаланишга розилик билдирдилар.

Бу дунёнинг ишлари

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 13 октябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади

1 АҚШ доллари 106,18

Ўзбекистон — Россия:
Стратегик ҳамкорлик йўлида

(Давоми. Боши 1-бетда)

ки, ушбу ҳужжат асосида ҳозирги пайтда стратегик аҳамият касб этиб бораётган ўзаро муносабатларимизнинг янги қирралари ривож топади, — деди жумладан мамлакатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, ўзаро савдо-иқтисодий алоқалар ҳозирча икки давлатнинг мавжуд имконияти даражасида эмас. Бироқ, икки мамлакат ўртасида Ҳукуматлараро комиссиянинг тузилгани, ҳудудлараро алоқаларнинг ўрнатилгани, умуман, ҳамкорликнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилганининг ўзиёқ Ўзбекистон — Россия алоқаларининг келажакда бунданда равнақ топажагига имкон беради. Ушбу ташриф асосида имзоланган муҳим ҳужжатлар эса уларни янада тўлдиради.

Мамлакатимиз раҳбари минтақавий хавфсизлик масаласига тўхталиб, қўшни Тожикистонда тезроқ тинчлик ва осойишталик ўрнатилиши, шунингдек, Афғонистон можаросининг тинч, сиёсий йўл билан ҳал этилиши лозимлигини таъкидлади.

— Тожикистон ва Афғонистондаги кескин вазият оқибатлари нафақат Марказий Осиё мамлакатларига, балки Россияга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Мен бу ерда халқаро тероризм, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандаси, шунингдек, сиёсий ва диний экстремизм мафкурасини назарда тутаяпман, — деди жумладан Президент Ислом Каримов.

— Ушбу учрашув ҳар икки давлат раҳбарлари Россия билан Ўзбекистон ўртасида стратегик ҳамкорликни ривожлантиришга қатъиян шай турганини тасдиқлади, — деб таъкидлади Борис Ельцин. — Биз Ўзбекистон билан ташқи сиёсат, иқтисодиёт, ҳарбий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантириш тарафдоримиз. Бўлиб ўтган музокараларда МДҲнинг жанубий чегараларидаги беқарор вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш учун мавжуд сиёсий омиллардан самарали фойдаланишга келишиб олдик. Россия — Ўзбекистон ҳамкорлигини янада чуқурлаштириш учун эса биргаликда, ўзаро баҳамжиҳат иш кўрмоғимиз зарур.

Шу куни Россия Президентининг Ўзбекистонга давлат ташрифи ниҳоясига етди. Тошкент аэропортида Борис Ельцинни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов кузатиб қолди.

Шу ернинг ўзида мамлакатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари вакилларига қисқача интервью берди.

— Россия давлатининг халқаро майдондаги мавқеининг, юритаётган сиёсатининг таъсири катта, — деди, жумладан, Ислом Каримов. — Шу боис ҳам Россиядаги иқтисодий таназзул тўғрисида жаҳон матбуотида жуда кўп ёзилаётир. Ким қайси сиёсий йўлни маъқул кўрса, худди шу нуқтаи назардан Россия салоҳиятини, унинг сиёсатини талқин этаяпти. Бу эса ўз ўрнида Россиядек улкан мамлакатни бошқариб турган Президент Борис Ельцинга бўлган қизиқишни кучайтирмоқда.

Россия ҳозирги мавжуд молиявий инқирозлардан қандай йўл билан чиқади, деган савол кўндаланг турибди. Бу халқаро жамоатчиликни қизиқтиради, албатта. Ҳозир Россиянинг олдида иккита йўл бор. Биринчиси, мана шу демократик ислоҳотларни қатъийлик билан охирига қадар изчил давом эттириш ва мамлакат иқтисодиётини тараққиёт йўлига олиб чиқиш. Нима бўлганда ҳам Россия етти йил давомида мамлакат ҳаётига демократик ислоҳотларни татбиқ қилиш асосида мустабид тузумнинг қоидалари ва сиёсатидан воз кечиб, ҳозирги кунга қадар эришган муайян ютуқлари бевосита ўша демократик сиёсат маҳсулидир — буни ҳеч ким инкор қилолмайди. Чунки шўролар давридаги мафкуравий қобиқларни ёриб чиқишда, унинг асоратларидан воз кечишда Россия ҳаммага ҳам ибрат бўлган. Буни ҳам ҳеч ким инкор қилолмайди.

Иккинчи йўл эса, бу — демократик тамойиллардан воз кечиб, яна тоталитар тузум йўлини тутиш, эски иттифоқ давридагидек иш юритишдир. Бу эса Россиядек мамлакатни иқтисодий маҳдудликдан асло чиқара олмайди.

Мамлакатимиз раҳбари бугунги Ўзбекистоннинг жаҳон саҳнидаги ўрни ва Россиядаги ҳозирги аҳволга алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деди:

— Бугунги кунда Ўзбекистонга бўлган қизиқиш тобора ортиб боряпти. Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ биз ўз йўлимизни қатъий белгилаб олган эдик. Ўшанда собиқ иттифоқдаги кўпгина давлатлар бизга менсимагандай қараган эди. Мана, ҳозир ўзимизни қўшни давлатларга қиёслайлик. Уларнинг аҳволини кўриб турибсиз. Айниқса, ёшларимиз бунга алоҳида эътибор бериши зарур.

Айрим давлатлар ислоҳотларни тезкорлик билан ўтказамиз, деб «фалаж қилиб даволаш» усулини танлашди. Бу ҳам иқтисодиётда, ҳам сиёсатда қўлланилди. Кимнинг қандай ҳолатда экани бугун кўпчиликнинг кўз ўнгида турибди. Энг ачинарли томони — бу маънавий инқироздир. Дарров сезилмайдиган бу ҳолатга сиёсий ва иқтисодий инқирознинг оқибати, дея қараш керак. Аввало одамларнинг ўзи тўқ, усти бут бўлиши лозим. Шунинг учун Россиядаги аҳволни келтириб чиқараётган кучлар, аввало, одамларни тўйдиришни ўйлаши, сўнгра ҳар хил чақириқ ва даъватларга киришиши тўғри бўлур эди, деб ўйлайман.

Мамлакатимизнинг 1991 йилда танлаган йўли нечоғлик тўғри эканини вақтнинг ўзи кўрсатди. Босқичма-босқич амалга оширилаётган сиёсий-иқтисодий ислоҳотларимиз ўз натижаларини бера бошлади. Энг аввало ота-боболаримиздан мерос қолган қадриятларни улуғлаб, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини қадрламоқдамиз. Бизни нафақат Марказий Осиё ёки МДҲ давлатлари орасида, балки жаҳон майдонида ҳам ўз ўрни бор давлат сифатида танишди. Чунки, биз сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни маънавият билан чамбарчас боғлаган ҳолда олиб бормоқдамиз. Бу танлаган йўлимизнинг тўғрилигидан далолатдир.

Шуҳрат УМИРОВ,
Фарҳод АРЗИЕВ,
Аброр ҚИЛИЧЕВ,
(ЎзА)

Тошкент билан танишув

11-12 октябрь кунлари мамлакатимизда давлат ташрифи билан бўлган Россия Федерацияси Президенти Борис Ельцин рафиқаси Наина Ельцина Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси Татьяна Каримова ҳамроҳлигида Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрига ташриф буюрди. Бу ерда Александр Бородин асари асосида саҳналаштирилган «Княз Игор» операси намойиш этилди.

Н. Ельцина Темурийлар тарихи Давлат музейини ҳам томоша қилди. У Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар ҳукмронлик қилган даврдаги сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва маърифат ҳақида ҳикоя қилувчи экспонатлар билан танишди. Шунингдек, россиялик меҳмон музейда уюштирилган халқ амалий санъати намуналари кўргазмасини кўздан кечирди.

(ЎзА)

Қаршида теннис байрами

Тўрт кундирки, Қарши шаҳри ўзига ҳос байрам оғушида. Бу ерда челленжер — сателлит туркумига кирувчи «Буюк ипак йўли» халқаро теннис мусобақаси давом этмоқда. Турнирда Швеция, Венгрия, Россия, Ўзбекистон, Миср, Австралия, Қозоғистон, Франция, Белоруссия, Филландия, Украина, Словакия ва Янги Зелландия спортчилари иштирок этмоқда. 24 нафар теннисчи орасида юртимизнинг 6 нафар спортчиси ҳам бор. Мусобақа ташкилотчилари яна 26 нафар теннисчидан кучлиларини саралашга қарор қилишди. Бундай беллашувларда 8 нафар теннисчи маҳорат кўрсатиб, кучлилар сафига қўшилди. Лекин саралаш баҳслари юртдошларимизга омад келтирмади. Зеро Олег Огородов, Темир Ғаниев, Дмитрий Мазур, Алексей Кокурин, Абдулҳамид Маҳкамов, Вадим Куценко каби теннисчиларимизга умид боғлаганмиз. Қаршидаги 3 минг ўринли теннис ўйингоҳида мусобақанинг очилишига бағишланган маросим бўлди. Вилоят ҳокими Қ. Бегматов спортчиларни қутлаб, қизғин баҳсда уларга зафар тилади. Ғолиблик учун кураш давом этмоқда.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида

Қишлоқ хўжалик экинзорларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг пировард меҳнат натижаларидан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва бир хил қилиш мақсадида:

1. 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғи жорий этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ягона ер солиғи амалдаги барча умумдавлат солиқлари (алкаголли маҳсулотга акциз солиғидан ташқари) ҳамда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун белгиланган қўйидаги маҳаллий солиқлар ва йиғимларни тўлаш ўрнига жорий этилади:

даромад (фойда) солиғи; қўшилган қиймат солиғи; экология солиғи; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; ер остидан фойдаланганлик учун солиқ; мол-мулк солиғи; ер солиғи; ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи; бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар.

Ягона ер солиғи тўловчилари бўлмиш қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун бож тўлови, давлат божи, лицензия йиғимлари, бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар тўлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинсин.

3. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), фермер хўжаликлари, агрофирмалар, шунингдек бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ягона ер солиғини тўловчилар ҳисобланадилар, деҳқон хўжаликлари бундан мустаснодир. Деҳқон хўжаликларига Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонунида кўзда тутилган солиққа тортиш шартлари татбиқ этилади;

қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилиш, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер майдони ягона ер солиғига тортиш объекти ҳисобланади;

ягона ер солиғи миқдори ер майдонининг қаерда жойлашганлигини, сифати (балл-бонитети)ни ва сув билан таъминланганлигини ҳисобга олувчи базавий ставкалар ҳамда тузатиш коэффициентларидан келиб чиққан ҳолда аниқланадиган ер майдони бирлигига қайд этиб қўйилган тўлов ҳолида белгиланади.

Ягона ер солиғининг миқдори қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларининг хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқ бўлмайди;

ягона ер солиғи маҳаллий бюджет ҳисобига ўтказилади.

4. Ягона ер солиғини жорий этиш билан боғлиқ ишларни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси тузилиб, унинг зиммасига қуйидаги вазифалар юклансин:

ягона ер солиғига тортиладиган ер майдонларини ҳисобга олиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

ягона ер солиғи миқдорларининг ер майдонлари сифатига мувофиқлиги таъминланишини назарда тутган ҳолда ерни кадастр жиҳатидан баҳолаш мониторингини ўтказиш;

ягона ер солиғи жорий этилишини назорат қилиш;

ягона ер солиғи базавий ставкалари ва унга нисбатан тузатиш коэффициентларининг қишлоқ хўжалик корхоналари фаолияти натижаларига таъсирини таҳлил қилиш;

ягона ер солиғининг айрим тўловчиларига солиқ имтиёзлари бериш самарадорлигини ўрганиш;

ерларни кадастр жиҳатидан баҳолаш чора-тадбирларини амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

шу йилнинг 15 ноябрига қадар ерлар жойлашишининг тафовутлари, сифати (балл-бонитети)ни ва сув билан таъминланганлигини ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича қишлоқ хўжалик экинзорларига мутлақ миқдорда 1999 йилга мўлжалланган ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкаларини, шунингдек ягона ер солиғи муваққат базавий ставкаларининг тузатиш коэффициентларини тасдиқласин;

ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджетини тасдиқлаш чоғида туманлар ва шаҳарлар бўйича ягона ер солиғи ставкаларини тасдиқласин;

1999 йилги иш якунлари бўйича, Республика комиссиясининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкалари ва тузатиш коэффициентларини қайта кўриб чиқсин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

ушбу Фармон амалга киритилгунга қадар айрим қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига ер солиғи, шунингдек даромад (фойда) солиғини тўлашда имтиёзлар қанча муддатга берилган бўлса шу муддат тугагунга қадар бундай имтиёз ягона ер солиғи тўлашга татбиқ этилади;

ягона ер солиғини ҳисоблаш чоғида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ ер солиғига тортилмайдиган ер майдонлари солиққа тортиш базасидан мустасно қилинади;

янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб икки йил муддатга ягона ер солиғи тўлашдан озод қилинадилар.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

8. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1998 йил 10 октябрь.

Ўзбекистон — Италия: ҳамкорлик истиқболлари

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Европа қитъасидаги етакчи давлатлардан бири — Италия Республикаси билан муносабатлари сезиларли даражада фаоллашди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг 1996 йилнинг июнь ойида Италияга қилган ташрифи чоғида ушбу мамлакат билан сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликка асос солинган эди, Европа Иттифоқи билан шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди.

1997 йилнинг май ойида Италия Президенти О. Л. Скальфаро ва сентябрь ойида Вазирлар Кенгаши Раиси Р. Продининг Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифлари икки томонлама алоқалар ривожида муҳим воқеалар бўлиб қолди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик, илм-фан, маданият ва таълим соҳаларидаги алмашишлар изчил ривожланмоқда. Икки томонлама муносабатларнинг салмоқли шартномавий-ҳуқуқий асоси яратилди.

Ўзбекистон — Италия муносабатлари ривожига янги туртки бериш мақсадида Италия Президенти О. Л. Скальфаро Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовни Италияга расмий ташриф буюришга таклиф этганди.

Айни пайтда Р. Проди ҳукуматининг истеъфога чиқиши сабабли томонлар Италияда янги вазирлар маҳкамаси таркиби тузилгандан сўнг, Ўзбекистон Республикаси давлат делегациясининг Италия Республикасига ташрифининг аниқ муддатларини қўшимча равишда белгилашга келишдилар.

Ўзбекистон Республикаси Италия Республикаси билан муносабатлар ривожига муҳим эътибор билдириб, бўлғуси ташриф икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг барча соҳаларида сезиларли даражада жадаллаштиришни кутиб қолади.

«Жаҳон»АА

Огоҳлантирилди

Япония ташқи ишлар вазирлиги Югославиядаги японияликларни хавфсиз жойларга кўчиб ўтиши зарурлиги ҳақида огоҳлантирди. Бунинг асосий сабаби НАТОнинг бу мамлакатга нисбатан ҳаво ҳужуми ўтказишни режалаштираётгани билан изоҳланади.

Маълумотларга қараганда, япон фуқаролари қаерга кўчиб ўтишни ўзлари ҳал қилади. Югославияда айни пайтда 100 дан ортиқ Япония фуқароси бор.

Самолёт қатнови йўлга қўйилади

Куба билан Буюк Британия ўртасида самолёт қатновини йўлга қўйиш борасидаги битим имзоланди. Унга мувофиқ Буюк Британиянинг «Бритиш эйрвэйс» компанияси самолётлари келаси йилдан бошлаб Лондон — Гавана йўналиши бўйича мунтазам равишда қатнай бошлайди. Ўтган йили Кубага 50 мингта яқин британиялик сайёҳ ташриф буюрган. Келаси йилда улар сонининг янада ошиши кутилмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу битимнинг имзоланиши икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик муносабатларининг кенгайиб бораётганидан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Афғонистондаги вазият муносабати билан Қўшма баёноти

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентлари Афғонистондаги вазият ҳамда афғонлараро қуролли қарама-қаршиликнинг кучайиб бораётганлиги Марказий Осиё давлатлари ва Россия учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан жиддий ташвишда эканликларини изҳор қиладилар.

Президентлар БМТнинг афғон можаросини ялпи сиёсий ҳал этишнинг асосий принципларини, шу жумладан БМТ Хавфсизлик кенгашининг 1998 йил 28 августдаги резолюциясини очиқдан-очиқ инкор этаётган Толибон ҳаракатининг позицияси ушбу биродаркушлик урушининг чўзилишига асосий сабаб бўляпти деб ҳисоблайдилар.

Муайян ташқи кучларнинг Афғонистон ички ишларига аралашиши, мамлакатда инсон ҳуқуқини қўпол равишда бузиб, террорчилик ва наркобизнесни қўллаб-қувватловчи экстремистик режимнинг қарор топаётганлиги Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг жанубий ҳудудларига тўғридан-тўғри таҳлика солаётир.

Президентлар Афғонистоннинг суверен, мустақил, бир бутун давлат ҳамда халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси, бошқа давлатлар учун яхши қўшни сифатида сақлаб қолиниши зарурлигига бўлган ишончларини яна бир карра таъкидлайдилар.

Шу мақсадда Ўзбекистон ва Россия икки томонлама ҳамда кўп томонлама даражаларда яқиндан ўзаро ҳамкорлик қилишга, ички афғон қуролли можаросини барча афғонлар учун мақбул тинч сиёсий ечимлар топиш ўзанига солиш учун БМТ амалга ошираётган ишларда фаол қатнашишга тайёрдир.

Хусусан, давлатлар бошлиқлари «Афғонистоннинг қўшнилари ва дўстлари гуруҳи» (6+2) доирасида маслаҳатлашишларга муҳим аҳамият берадилар ҳамда гуруҳнинг шу йил 21 сентябрда Нью-Йоркда бўлиб ўтган ташқи ишлар вазирлари даражасидаги учрашуви якунлари бўйича тузилган ҳужжат қоидаларини маъқуллайдилар.

Президентлар афғон можаросини сиёсий йўл билан ҳал этишнинг мумкин бўлган чораларини биргаликда ишлаб чиқиш мақсадида мазкур Гуруҳнинг навбатдаги учрашувини Тошкентда турли афғон кучларининг вакиллари иштирокида ўтказиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлайдилар.

Президентлар Толибон ҳаракатини, ҳам мамлакат ичида, ҳам ундан ташқарида бўлган бошқа нуфузли афғон кучларини афғон давлатчилигини сақлаб қолиш, мустаҳкам тинчлик жараёнининг олға силжиши учун ҳамкорликни давом эттириш ниятини тасдиқладилар. Бу борада Президентлар можарони ҳал этиш ва тинчлик ўрнатиш жараёнига тортилган томонларни эзгу ирода ва давлат оқиллигини намойиш этишга, Миллий яраш бўйича Комиссия доирасида амалий ҳамкорлик қилишга даъват этдилар.

И. А. Каримов ва Б. Н. Ельцин Афғонистондаги вазият ҳамда афғонлараро қуролли қарама-қаршиликнинг кучайиб бораётганлиги Марказий Осиё давлатлари ва Россия учун салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан жиддий ташвишда эканликларини изҳор қиладилар. Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Президентларининг Афғонистондаги вазият муносабати билан Қўшма баёноти қабул қилинди, у матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон ва Россия Президентлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги фаолиятини мукамаллаштириш, унинг тузилмалари ва механизмларини МДҲ барча иштирокчиларининг манфаатлари, орттирилган иш тажрибаси ва Ҳамдўстлик майдонидаги янги сиёсий-иқтисодий реалликни ҳисобга олган ҳолда ислоҳ қилиш муҳимлигини қайд этдилар. Улар МДҲнинг махсус Давлатлараро анжумани доирасида биргаликдаги ечимларни манфаатли қидиришни давом эттириш тарафдори эканликларини билдирдилар.

Россия Федерацияси Президентининг Ўзбекистон Республикасига Давлат ташрифининг самарали натижалари босқичли характер касб этади ва Россия — Ўзбекистон ҳамкорлигини кенгайтириш ва теранлаштиришда янги имкониятларга йўл очади, дея ишонч билдирилди.

Б. Н. Ельцин Ўзбекистон раҳбарияти ва халқига илиқ қабул учун ташаккур изҳор қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовни Россияга ташриф буюришга таклиф қилди. Таклиф миннатдорчилик билан қабул қилинди. Ташриф муддати қўшимча равишда келишиб олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВ

Россия Федерацияси Президенти Б. Н. ЕЛЬЦИН

Тошкент шаҳри, 1998 йил 12 октябрь

Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Ельциннинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи якунлари юзасидан Қўшма коммюнике

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг таклифига биноан 1998 йилнинг 11-12 октябрида Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Ельцин давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлди.

И. А. Каримов ва Б. Н. Ельцин ўртасида бўлиб ўтган музокаралар давомида Россия — Ўзбекистон муносабатларининг аҳволи ва ривожланиш истиқболлари, шунингдек долзарб халқаро ва минтақавий масалалар кўриб чиқилди. Музокаралар икки мамлакат раҳбарларининг учрашувларига анъанавий равишда хос бўлган дўстлик, ҳамжиҳатлик ва конструктивлик руҳида ўтди.

Давлат бошлиқлари Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги серқирра алоқалар 1992 йил 30 майдаги Давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартномага ҳамда 1994 йил 2 мартдаги Ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштириш тўғрисида Декларацияга мувофиқ тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва миллий суверенитетни ҳурмат қилиш принципларига асосланишини тасдиқладилар.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Россия муносабатларига стратегик шерикликнинг мустаҳкамланиши, ўсиб бораётган динамиклик хос эканлиги қониқиш билан қайд этилди. Ўзбекистон билан Россиянинг бундан буён ҳам янада қалин ва жадал ўзаро алоқадорликда олға боришларига қатъий ишонч билдирилди.

Устувор йўналишларда савдони, ишлаб чиқариш кооперациясини, инвестицион ва илмий-техникавий ҳамкорликни, минтақалар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги бевосита алоқаларни ўзаро фойдали ривожлантиришнинг янги узоқ муддатли истиқболларини очадиган Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида 1998-2007 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида Шартноманинг имзоланиши ҳамда тегишли фаолият Дастурининг тасдиқланиши бу борада муҳим амалий қадам бўлди.

Президентлар Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолиятини кучайтириш истагини изҳор қилдилар.

Россия томони Ўзбекистонда консуллик муассасалари очилишидан манфаатдор эканлигини билдириб, Ўзбекистон томонининг муқобил хоҳиш-истакларини ҳисобга олишга тайёрлигини тасдиқлади.

Томонлар бошқа мамлакат ҳудудида доимий равишда яшаб келаётган бир мамлакат фуқароларининг ҳуқуқий мақоми тўғрисида, кўчириш жараёнини тартибга солиш ва кўчувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ҳамда ишчи кучи миграцияси тўғрисидаги ҳужжатларни имзолаш имкониятини қўшимча равишда кўриб чиқишга келишдилар.

Ташриф доирасида икки томонлама муносабатларнинг шартномавий негизини тўлдириб, такомиллаштирадиган бир нечта ҳукуматлараро ва идораларо битимлар имзоланди. Ташқи сиёсий муаммоларни муҳокама қилишда иккала давлат бошлиқлари минтақа ҳамда дунё миқёсида халқаро тинчликни, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш учун ҳамжиҳатликни чуқурлаштириш, ҳаракатларни янада кўпроқ мувофиқлаштириш истагини билдирдилар.

Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикасининг ҳар томонлама ҳамкорлиги тўғрисидаги Декларация имзоланди. И. А. Каримов ва Б. Н. Ельцин ушбу ҳужжат учала давлат ўртасида стратегик ҳамкорлик, тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди, минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим омил бўлади, дея якдил фикр билдирдилар.

Президентлар Ўзбекистон билан Россиянинг БМТ, бошқа халқаро ташкилотлар ва кафил давлатлар билан ҳамжиҳатликда Тожикистонда тинчлик ва миллий тотувликни ўрнатиш тўғрисидаги Умумий Битимни комплекс бажариш, шунингдек унинг иқтисодий тикланиши ва тараққиёти асосида Тожикистонда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари раҳбар ходимларини аттестациядан ўтказиш бўйича комиссиялар ташкил этиш тўғрисида

Ички ишлар идоралари шахсий таркибининг ҳуқуқни муҳофаза этувчи бошқа идоралар ходимлари билан ҳамкорликдаги ишлари натижасида республикада жиноятчиликнинг йилдан-йилга камайишига эришиб келинмоқда.

Шу билан бирга, охирги вақтда ички ишлар идораларида кадрларни танлаш, жойжойига қўйиш, ўқитиш ва тарбиялаш ишлари етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги натижасида мансабни суиистеъмол қилиш, хизмат ваколатлари доирасидан чиқиш, фуқаролар билан қўпол муомалада бўлиш ва шу каби бошқа жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Ички ишлар идораларини малакали кадрлар билан тўлдириш, ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, давлат ташқи ва ички сиёсати юзасидан билимларини такомиллаштириш, касбий маҳорати ва маданиятини кўтариш ҳамда нолойиқ ходимлардан тозалаш мақсадида:

1. Республика ички ишлар идораларининг барча раҳбар ходимлари уч ой муддат ичида аттестациядан ўтказилсин.

2. Раҳбар ходимларни аттестациядан ўтказиш бўйича марказий комиссия таркиби тасдиқлансин.

3. Марказий аттестация комиссияси белгиланган муддат ичида республика Ички ишлар вазирлиги Бош бошқармалари, бошқармалари, Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар, нақлиёт ИИБ бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари, ўқув юртлари бошлиқларини аттестациядан ўтказсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар, шаҳар ва туман ИИБ раҳбарлари таркибини уч ой муддатда аттестациядан ўтказиш учун қўйи тармоқ аттестация комиссиялари тузилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) аттестация комиссияларини зарур иш шароити билан таъминлаш чораларини кўрсин.

6. Комиссиялар ўз иш фаолиятлари натижалари ҳақида 1999 йилнинг 10 январига ахборот берсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 10 октябрь.

Мулоҳаза

Шудгордаги қўйруқлар

маънавиятимиз зараркунандалари

Букрини гўр тузатар, деган мақол анча қадимий. Гарчи, нисбий маънода айтилган эрса-да, ана шу нисбий маънодаги «букри»ларни гўр тузатгунга қадар тишни тишга қўйиб кузатиш ярамайди. Ўзича тузалмаса, жамоат таъсирини кўрсатиш, бошқа зарур чораларни қўллаб бўлса-да эпақага келтириш лозим. Токи, букрининг «букчайма иш»ларидан ўзгаларнинг дили ранжимасин, асаблар бузилмасин, ёшлар онгига салбий таъсир кўрсатмасин, маънавиятимиз завол кўрмасин.

Бугун матбуотимиз — чинакам ошкоралик минбари. Унда бирёқламалик, қандайдир тўсиқлар йўқ. Фақат... бор ҳақиқатни боплаб ёзиш талаб қилинади. Аммо афсуски, кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олиш «одат»га айланмоқда. Ахир, фоҳишабозлик, шарм-ҳаёсизлик, бўлмағур иллатларга қандайдир «тақлид»лар бугун ҳам кам эмас. Бу каби иллатлар қайсидир ковакларда урчиб ётибди. Фақат, сен менга тегма, мен сенга тегмайин, қабилидаги лоқайдликка берилиб кетиш хавфи таҳдид солиб турибди.

Аслида, ҳамма нарсани жой-жойига қўядиган, жамиятни одил йўлдан бошлайдиган адолатли қонунларимиз мавжуд. Тегишли қонунларимизда шарм-ҳаёсизликни тарғиб қилиш қатъий таъқиқланган. Бироқ, кўча-куйларда қандайдир ажнабий башара кимсалар беҳаёдан беҳаё суратли китоб, журналларни бемалол сотаверади. Ахир, бу бўлмағур газета-журналларни (агар уларни шундай дейиш мумкин бўлса?!) ким юртимизга олиб келаётир? Беҳаё суратлар билан тўлиб тошган шунақа «нашр»ларни қайси маънавиятимиз мухолифи ташиб келтираётир? Бундай ҳолга нечун барчамиз томошабин бўлиб ўтирибмиз? Жамоатчилик, тегишли ҳуқуқий идораларнинг ходимлари нечун сукут сақлайди? Киноафишаларга «томошабинлар эътиборини жалб қилиш» учун шир яланғоч ожиза расмини кўз-кўз қилиб қўяверадилар. Ҳамма-ҳаммасини бепарво кузатиб кетаверамиз.

Сўнгги пайтларда шаҳарлараро қатновчи хусусий автобуслар кўпайгандан кўпайди. Бунинг нимаси ёмон, дерсиз? Бироқ, айрим шунақа автобус ҳайдовчилари давлат тасарруфидагиларидан «зўрроқ»лигини намойиш этиш учун видео ҳам ўрнатиб олишган. Олис сафарга чиққан йўловчилар то манзилга етгунларича «мириқиб» томоша қилиш имконларига эга, деган гап. Аслида-чи? Неча бор шунақа автобусга чиқмайлик, видеосида ур-йиқит, «ужас»дан бошқа нарсани кўрмайсиз. Унақа киноларда беҳаёларча ялашиб-юлқилашадиган беъмани тасвирлар ҳам кам бўлмайди.

Ахир, минг бора «хусусий автобус» бўлмасин, барибир, жамият қонунларига бўйсуниши лозим эмасми?

Гавжум шаҳарнинг янада гавжумроқ жойлари саналмиш бекатлар, бозорлар, емакхоналар, савдо расталари, боғлар, хиёбонларда антиқа манзарага эътибор берганмисиз? Яъни, икки-уч барваста йигитчалар магнитафон товушини ванғиллатиб ўтиришади. Албатта, чет элча «вағирвуғур» садолар... Улар ўша куй-қўшиқ маъносини мутлақо тушунмайдилар, эстетик завқ олмайдилар. Фақат, кўпиксимон савиясига яраша кўпчибгина ўтиришади. Бошқаларнинг ҳам шунақа бўлишларини исташади. Ёқса-ёқмаса баралла эшиттиргиси келади.

Гўзал шаҳарларимиз кўча-кўйларида нега ўзбекона қуй-қўшиқлар янграб турмаслиги керак, дея ич-ичингдан ўртанасан.

Шунақа бўлмағур манзаралардан бўғилиб кетган кўйинг тоза нафас олиш илинжида ёнверингга қарасанг бетайин «реклама-сурат»лардан нафасинг қайтади. Қаёққа қарама папирос ва кашандалар суратлари... Энг серқатнов ва уззу кун гавжум метронинг исталган рекламасидан кўнглинг беҳузур бўлади.

Ахир, кўча-кўйларда тамаки маҳсулотларини реклама қилишни тақиқлаш ҳақидаги ҳукумат қарорини нега бажармаяпмиз? Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳам бу борада тегишли фармойиши бор эди-ку! Бунга мутасадди ташкилотлар лоқайдлик қилишга ҳақлими? Кинохоналардан тортиб кўча-кўйдаги, ҳатто «хусусий автобус»даги видеоларгача шармсиз, зўравонликни тарғиб қилувчи тасвирлар намойиш этилишига лоқайд қараш мумкинми?

Ахир, булар қайсидир маънавиятимиз мухолифларининг кишибилмас, ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари эмасмикин?!

Бунақа «букри»ларни гўр тузатишини кутиб ўтириш ярамайди. Токи, улар ўзларига ўхшаш кўплаб «букри»лар «онгини шакллантиришга» улгурмасинлар. Илгари «қизил мафкура» паноҳ бўлган бўлса, бугун уларга қарши курашувчи, тоза ниятли, пок виждонли, ҳақиқий ватанпарварлар учун мустақил юртимиз **ҚОНУНЛАРИ ҚАЛҚОНдир!**

Тўлқин ЭШБЕК,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Махмуд ЭШОНҚУЛОВ чизган расм

Жиноятчилар гуруҳи қўлга олинди

Шри-Ланкада мамлакат президенти Чандрик Кумаратунгга нисбатан суиқасд уюштиришга ҳаракат қилган жиноятчилар гуруҳи ҳибсга олинди. Маълумотларга қараганда, жиноятчилар Матал шаҳрида янги саноат корхонасини очиш маросими чоғида мамлакат президентига суиқасд уюштиришни режалаштирган экан.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизмати вакилининг айтишича, қўлга олинган 10 киши орасида бир аёл ҳам бор. Жиноий гуруҳ Шри-Ланканинг олий даражадаги давлат раҳбарлари ва сиёсий арбобларига суиқасд қилиш мақсадида тузилган. Шунингдек, гуруҳ аъзолари йирик шаҳарларда қўпорувчилик ҳаракатлари ўтказишни ҳам кўзлагани маълум бўлди.

(ЎзА)

Туркия ҳарбийлари ҳам ҳужумда қатнашади

Туркия ҳарбийлари ҳам НАТОнинг Югославияга нисбатан режалаштираётган ҳаво ҳужумида қатнашади. Туркия ҳукуматининг шу хусусдаги таклифини мамлакат парламенти бир овоздан тасдиқлади. Унда мамлакат ҳарбий ҳаво кучларининг Ф-16 русумидаги бир нечта қирувчи самолёти иштирок этади.

Туркия Югославия раҳбариятини Косово муаммосини тинч йўл билан ҳал қилишга бир неча бор даъват этган эди. Парламент йиғилишида Югославия ҳукуматида ҳалиям шундай имконият мавжуд экани таъкидланди.

Қариси бор уйнинг париси бор

БМТ:

1999 йил – Халқаро қариялар йили

БМТ маълумотларига кўра, ҳозирги пайтда ер юзининг ҳар 10 аҳолисидан бири 60 ёшдан ошган экан. Бу жараён йил сайин ривожланиб боряпти. Масалан, маълумотларга қараганда, 2050 йилга бориб, ер юзи аҳолисининг ҳар бешдан бири 60 ёшдан ошиб кетар экан. 2150 йилга бориб эса ҳар учинчиси шундай ёшга етади. Аҳоли қаришининг хавфи айниқса иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда янада аниқроқ бўлиб қолди. Тўғри, ҳозирги қарияларнинг аввалги қариялардан турмуш тарзи кескин фарқ қилади. Чунончи, кексаларнинг салкам ярми ҳозир шаҳарларда истиқомат қилади. Ҳозирги даврнинг яна бир қизиқ аломатларидан бири шуки, қарияларнинг ёши — узоқ умр кўриши ошиб бормоқда. Айни чоғда ер юзидаги 11 фоизга яқин қарияларнинг ёши 80 дан ошиб кетган. Шуниси қизиқки, қарияларнинг кўпчилиги аёллардир. Масалан, саксон ёшга етганларнинг 65 фоизини аёллар ташкил этади.

Турган гапки, бу муаммо жаҳон мамлакатлари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Шунинг учун ҳам биринчи марта БМТ 1948 йилдаёқ Аргентина ташаббуси билан қариялар муаммосига мурожаат қилган. Аммо кейинги 10 йилликларда бу муаммо анча кўндаланг қўйиладиган бўлди. Масалан, 1987 йилда Бош Ассамблея сессиясида қарияларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган 60дан зиёд тавсиялар берилди. Бундан бор-йўғи саккиз йил муқаддам БМТ биринчи октябрни — қариялар куни деб эълон қилди.

Келгуси йилдан бошлаб, яъни 1999 йил — қариялар йили деб эълон қилинди. Бир қарашда оддийгина туюлган бу шиор замирида чуқур маъно бор. Гап фақат қариялар ҳақида бораётгани йўқ. Барча ёшдаги инсонларнинг бахт-саодатини ўйлаш ҳар бир жамиятнинг бурчидир. Шунинг учун ҳам бу шиорнинг тагида иккинчи шиор ҳам бор: «Барча ёшдаги жамият келажаги учун олға!» БМТ мақсади — кекса ёшлилар муаммосига жамиятнинг барча қатламлари эътиборини тортишдир. Албатта, тадбиркорлар, журналистлар, олимлар, сиёсатчилар ва бошқа соҳаларнинг вакиллари ҳамкорлигини кучайтиришга даъват қилинмоқда. Зеро, ҳозирданоқ айрим мамлакатлар қарияларни қўллаб-қувватлаш махсус дастурларини ишлаб чиқишга киришдилар. Ўйлаймизки, келгуси йил бу мавзу барча мамлакатлар учун устувор бўлиб қолади.

Оёқдаги «ширин туш» ўрганиляпти

Уйқу жой танламайди, деганлари рост. Статистик маълумотларга қараганда, иш билан банд бўлган одамлар оёқдаям ухлашаркан. Мана, айтайлик америкалик ишловчиларнинг 56 фоизини иш пайтида қаттиқ уйқу элитаркан. 25 миллионлик тунги навбатчиликдаги ишчиларнинг ҳар бештаси ишхонада «юриб туриб» ухлайди. Уйқу элитиши албатта, ишлаб чиқаришга катта моддий зарар келтиряпти. Америкада бундай мизғиш йилига 18 миллиард долларни «ухлатаркан».

Хўш, хулоса нима? Мутахассисларнинг таъкидлашича, агар имкон топиб, тушликдан сўнг 15-30 дақиқа мизғиб олган ишчи, куннинг ярмидаям бир кунлик юмушни уддалаш куч-қувватини тўпларкан. Америкадаги баъзи компаниялар иш вақтида ишчиларга шундай «қуш уйқу» олишларига шароит яратишга киришишди. Бу билан ишбилармонлар бир ўқ билан икки қуённи отиш пайидалар. Ходим «оралиқда ҳордиқ»дан, бошлиқ кўп ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаргандан хурсанд. Оёқда туриб ухловчиларга-ку, гап йўқ.

Ҳамиша ҳар қандай янгиликнинг лекин томониям бўлади-да. «Қуш уйқу»ни олинг. Ходим шу 15-20 дақиқагина уйқу билан чегараланиб, дик ўрнидан туриб иш жойига қайтса яхши-я, агар бу ишчи довулниям писанд қилмайдиган қаттиқ уйқучи бўлса-чи? Олимлар ҳозир «оёқдаги ширин туш» муаммосини ечиш устида тадқиқотлар олиб боряпти.

Саида ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади

Австрия. БМТнинг Венадаги биноси.

Қўндаланг кўп ётди...

Йошкар-Олада ҳам норозилик намойишчиларининг ўзига хос тажрибаси бор. Айниқса, Транссибдаги шахтёрлар иш ҳақини талаб қилишиб рельсларга ётиб, исён кўтарганликларини телевизор орқали томоша қилишгач улар ҳам шахтёрларга ўхшагилари келди.

Яқинда Килемарс туманида яшовчи шундай «якдил»лардан бири шу атрофдаги темир йўл изига ётмоқчи эди-ю, негадир бу фикридан қайтди. Қишлоқ четидаги катта йўлга чиқиш чорраҳасида қўндаланг тушиб ётди. Бир соат, икки... Ётаверди, аксига олиб ҳеч ким йўлдан ўтмади. Ва ниҳоят мотор овози гуриллаб эшитила бошлади. Қўшниси тракторда кеп қолди. Ҳамқишлоғининг тупроққа беланиб ётганини кўриб ҳайдовчи «ўлгудай ичибди, хумпар» деган хаёлга борди. Одамгарчилик қилиб опкетмоқчийди, «намойишчи» қатъий бош тортди, қаршилик кўрсатди. Ҳайдовчи «жин урсин сени» дея орқасига бир тепди-да, уни айланиб ўтиб йўлида давом этди.

Ёлғиз кеч қорайгунча ётган «шахтёрчилар ҳаммаслаги» ноилож туриб уйига кетди. Қўндаланг кўп ётди-ю, афсус ҳеч ким тушунмади. «Бунақада яна қанча маошсиз яшаймиз» дейди ҳамқишлоқларига шўрлик.

Гапирувчи итлар

Оксфорд университетининг олимлари янги ген (ирсият) кашф этишди. Ана шу ирсият ҳайвонларга кўчириб ўтказилса, улар гапириши мумкин экан. Яқин уч йил ичида инглиз ирсиятшунослари, шундай тажрибани мушук, ит ҳамда маймун устида синаб кўришмоқчи бўлишяпти. Олимларнинг фикр-мулоҳазаларига қараганда ушбу тажриба муваффақиятли чиқса, унда ҳайвонлар нафақат инглиз тилида, балки француз, немис, қолаверса, жаҳоннинг бошқа тилларида ҳам гапириши мумкин бўларкан.

— Буни тўғри тушунмоқ керак, — дейди биология фанлари номзоди Иғорь Крайнов, — олимлар «янги ирсият кашф қилишганча йўқ», балки уни топишди. Чунки инсон ирсиятини таҳлил қилиш устида ҳам кўпдан шундай ишлар қилинмоқда. Яъни олимлар қайси ирсият тандаги қандай вазифани бажаришлигини секин аниқлашаяпти.

Гапиртирадиган ирсиятни топишди ҳам дейлик. Бу дегани уни бирон бир итга олиб ўтказилади-ю, у гапириб кетади деган гап эмас. Кучук бўғозлик пайтида унга «товуш ирсияти» кўчириб ўтказилса, балки ундан гапира оладиган кучукча туғилса ажаб эмас. Негаки, кўпчилик ҳайвонларнинг овоз пайлари инсонникига ўхшайди. 70 йилларда газеталар Тошкент ҳайвонот боғида Ботир исмли филни «ойи», деб гапириши ҳақидаги хабарни урҳо-ур қилиб ёзишган эди. Яна Москва яқинида Даша исмли чўчқа ҳам «ойи», дея олиши ҳақида маълумотлар бор.

Дунё ғаройиб воқеаларга тўла. Борди-ю, тажрибалар муваффақиятли тугаб, итлар гапирса борми, унда, менинг гапимни ҳеч ким эшитмайди, деб хафа бўлиб ўтирмасдан уйингиздаги Олапарга бемалол дардуҳасратингизни «дастурхон» қилишингиз мумкин бўлар.

Текин тешиб чиқмайди

Текин тешиб чиқади, деган ҳадик бор, балки тўғридир. Аммо, баъзан текин тешмайди. Мана, эшитинг. Латвиядаги Лиепас шаҳри аҳолисининг кўчасида байрам, текинга бананни улашишди. Балки саховат пешалардир дерсиз. Йўқ. Завод раҳбарлари, улар ҳам бир ийшгандир, йўқ, унақаям эмас.

Лиепас шаҳридаги кема таъмирлаш заводи ишчиларига ойлик маошга ёки «сиздан угина, биздан бугина» бартерга ҳам эмас, сув текинга 30 тонна бананни одамларга таркатди. Чунки завод шошилинч таъмирланадиган бўп қолди. Бунинг учун судна, омборларини бўшатиш даркор. Ахир банан унмидики, у ёқдан буёққа олиб беркитиб сақлайверишса?! Шундоқ ҳам сақланаётган 60 тонна бананнинг 30 тоннаси эскириб, сифатини йўқотди. Хузурини ахлатхона кўрди. Завод маъмурияти қолган маҳсулотни ноилож одамларга таркатди.

Текин банандан ишчилар хурсанд. Аммо савдо суднаси раҳбарлари бўлса туз егандай ичлари ачиб қолаверди.

Ҳуқуқий маслаҳатхона

Яна ер ҳақида

Ёдингизда бўлса, газетамизнинг ўтган сонларидан бирида бухоролик деҳқоннинг бир қанча долзарб саволларига жавоб бериб, бундан кейин ҳам шундай савол-жавобларга бажонидил тайёр эканлигимизни айтиб ўтган эдик. Зеро, бугун — ислоҳотлар даврида қабул қилинаётган янги қонун ва бошқа ҳужжатлар бўйича ҳар қадамда тушунмовчилик бўлиши мумкин. Агар фуқаролар шундай пайтда дарҳол бизга ўз саволлари билан мурожаат қилса, газетамиз саҳифаларида босилган жавобдан нафақат ўзлари, балки, шу муаммога дуч келиб турган бошқа ватандошларимиз ҳам баҳраманд бўлишади. Бу эса, ўзўзидан, жонли тарғибот вазифасини ўтайди. Дардни шифокор эмас, бемор яхши билади, деганларидек, ўйлаб топилган муаммолар эмас, ҳаётда дуч келинган саволлар тирикроқ ва долзарброқ бўлади.

Бугун газетхонларимиздан тушган иккита саволга Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги юридик бошқармасининг етакчи мутахассиси Шарофиддин Маманабиевдан олган (унга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз) жавобларимизни имкониятимиз доирасида эълон қилаяпмиз.

Берилган ер участкаси қандай ҳолларда қайтариб олинади? Қайтариб олиш тартиби қандай?

Сирдарё вилоятининг Гулистон тумани Гулистон жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи бир гуруҳ фуқаролар.

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 36-моддаси 6 — 11-бандларига кўра, ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида ёки оқилона фойдаланилмаганида; қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлганда; ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда; қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек, ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда; қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил мобайнида ва қишлоқ хўжалиги соҳасига тааллуқли бўлмаган эҳтиёжлар учун бериб қўйилган ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида; мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи ордер кимошди савдоси асосида сотиб олинганидан кейин ер участкасидан икки йил мобайнида фойдаланилмаганида; ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи гаровда бўлган тақдирда ердан гаров шартномаси муддати мобайнида фойдаланилмаганида ер участкалари аввалги эгаларидан улар тўлаган ҳақ қиймати қопланган ҳолда олиб қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 38-моддасига кўра, юқоридаги ҳолатлар рўй берганда, шунингдек, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилган бошқа ҳолларда ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи орган, ер эгасини ёки ердан фойдаланувчини олдиндан огоҳлантирганидан кейин, ер участкасини берган органга ер участкасини олиб қўйиш ҳақида тақдимнома киритади. Ер участкасини берган орган эса тақдимнома асосида бир ойлик муддатда ер участкасини олиб қўйиш ҳақида қарор чиқаради.

Ер участкасини олиб қўйиш масаласини ҳал қилиш ваколатига эга орган, зарур ҳолларда, ер участкасининг ҳолатини ҳамда ер эгаси ёки ердан фойдаланувчи томонидан ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг сифатини қўшимча равишда текширишни тайинлашга ҳам ҳақли.

Жамоа хўжалигига қарашли сув чиқмайдиган ташландиқ ерни ўз меҳнатим билан экин майдонига айлантирдим. Шу ерни шахсий мулк қилиб олиш учун енгилликлар борми? Расмийлаштириш учун қайси ташкилотларга учрашим керак?

Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги Шариф Одилов номли жамоа хўжалигидан С. Сайдуллаев.

Республикамизда мавжуд қонунларга кўра, ер шахсий мулк қилиб берилмайди. Аммо, сиз ўзлаштирган ерингизни умрбод фойдаланиш учун деҳқон хўжалиги сифатида расмийлаштиришингиз мумкин. (Бу аввалги тартиб бўйича томорқа хўжалигига тўғри келади). Ердан фойдаланганлигингиз учун эса белгиланган солиқни тўлайсиз.

Ўзбекистон Республикаси «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасига кўра, фуқаро деҳқон хўжалиги юритиш учун ер олиш мақсадида хўжалик бошқарувига ҳамда туман ҳокимига ёзма равишда мурожаат этиши керак.

Аризада сўралаётган ер участкасининг жойлашган манзили, майдони, деҳқон хўжалигининг таркиби ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланишнинг йўналишлари кўрсатилиши лозим.

Хўжалик бошқаруви аризани кўриш масаласини умумий мажлис муҳокамасига киритади ҳамда мажлис бу хусусуда тегишли қарор қабул қилади. Умумий мажлис қарори асосида ер участкаларини бериш масалаларини кўриш бўйича туман комиссияси хулоса бергач, туман ҳокими деҳқон хўжалигини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шунингдек, Қонуннинг 9-моддасига кўра, деҳқон хўжалигининг мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун берилган томорқа ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас. Улардан фақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этиш учун белгиланган мақсадлардагина фойдаланилади.

P.S. Азиз газетхонлар, агар бугунги савол-жавоблар сизга маъқул келган, қайсидир бирларингизнинг мушкулини осон қилганига ишонган бўлсангиз, рукнимизнинг изчил давом этишига ўз ҳиссангизни қўшинг. Саволларингизни кутиб қоламиз.

Нурбек ТОШНИЁЗ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



БЎЛАЖАК ФАХРЛАРИМИЗ
(каратэ)

Алишер РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар

«МУЛОҚОТ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Ҳаёт чархпалаги ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. У ҳамиша айланади, айланаверади. Ҳаёт тарзи, имкониятлари эса шундан ўзгаради, ривожланади. Булар бари қонуний, албатта. Ҳар бир босқич ўзига хос янгича фикрлайдиган, янгича инсонларни тарбиялаб етказади. Улар эса қобилиятли, ақл-заковати, билим ва ғайрат-шижоати билан ўз кетидан кўпчиликни эргаштира олади. Тарих ғилдирагини ҳамиша буюк шахслар олға силжитиб келган. Бугун ис-

Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» деб номланган мақоласи мухлислар эътиборини ўзига тортди. Шу мавзуни ривожлантириб янги йил сонларида Ҳ. Зиёевнинг «Тарихий хотира — миллатнинг илдизи», Қ. Хоназаровнинг «Ўзликни англаш тарихдан бошланади», А. Абдураҳмоновнинг «Афросиёб», Б. Валихўжаевнинг «Соғаржийлар», «Абдуллаасийлар хонадони», Ҳ. Ҳамидийнинг «Жамиятни маърифат қутқариб қолади» мақолаларини режалаштирган-

хусусдаги мақолалар ҳам мунтазам ёритиб борилади. Чоп этилган мақолалар билан танишиб ҳаёт фалсафасининг янги ғояларидан огоҳ бўласиз, буюк келажак қуриш умидида халқ хизматига камарбаста бўлаётган юртдошларимиз билан яқиндан танишасиз.

Таҳририятнинг истеъдодли ходимлари экологик тоза муҳит яратиш ва соғлом авлод келажаги учун қайғуриш, хуллас, мустақил Ўзбекистон истиқболи йўлида юртдошларимиз билан мулоқотлар ўтказади. Тадбиркор мулкдорлар, заҳматкаш пахтакорлар, чорвадору миришкор боғбонлар ҳақида ҳам мақолалар эълон қилинади. Сиз, азиз муштарийлар, республикамиздаги ёш истеъдодли шоирлар ижодидан сара намуналар ҳам ўқиб борасиз.

Журналимиз ўз саҳифаларида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган таълим ва тарбия соҳасидаги миллий дастур тадқиқотига кенг эътибор берган ҳолда илғор ўқитувчилар тажрибаси оммалашувига зарур имкониятлар яратади. Ҳеч шубҳасиз, янги йилда ҳам «Мулоқот» ҳар бир фуқаро учун энг яқин дўст, энг фойдали ҳамкор ва кўмакдош бўлиб қолади. У билим доирангизни, интеллектуал маънавий камолотингизнинг ортишига, ақл-идрокингизни пешланувига ёрдам кўрсатади.

Йил бўйи журналимиз куюнчак муштарийлар мактубларига ўз саҳифаларидан доимо ўрин ажратади. Қисқаси, у Сизнинг энг ишончли маслакдошингизга айланишини истасангиз, вақтни кечиктирмай 1999 йил учун «Мулоқот» журналига обуна бўлинг.

Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ,
«Мулоқот» журнали масъул котиби

Нашр кўрсаткичларимиз:
Якка обуначилар учун — 844; ташкилотлар учун — 845.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 13 oktyabr, seshanba № 122 (23.359).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan

Юқумли сариқдан сақланинг

Вирусли гепатитлар бутун дунёда кенг тарқалган юқумли касалликлардан бири ҳисобланади. Статистик маълумотларга қараганда дунё бўйича йилига 100 миллиондан ортиқ бола ўткир вирусли гепатитнинг ҳар хил турлари билан касалланаркан. Кўп ҳолларда касалликнинг сурункали формасига ўтиш жараёни кузатилиб беморнинг саломатлигига жиддий хавф солиши мумкин. Сариқ касалликлар ичида энг кўп тарқалган тури гепатит А болалар орасида кўп учрайди. Юқумли сариқ касаллигида жигарнинг вируслар билан жароҳатланиши ушбу орган билан боғлиқ бўлган ўзгаришларга олиб келади. Беморда кучли заҳарланиш аломатлари ва тана сарғайиши кузатилади.

Сариқлик белгиси билан кечган хасталикларни инсон соғлиғига жиддий хавф етказиш мумкинлиги қадимги табобатда ҳам қайд этилган. Одам танасида жигар энг муҳим биокимёвий вазифаларни бажариб қон лимфа ва ўт таркибини муаллақ доимийлигини таъминлаб туради. Шунинг учун жигарнинг жароҳатланиши ички органлар функцияларининг бузилишига олиб келади. Юқумли сариқ касалликларини қўзғатувчилари гепатитрон вируслар ҳисобланади. Улар ташқи муҳитга ўта чидамли бўлиб, 96°С гача ҳароратда 2 соатгача сақланиб қолиш хусусиятига эга. Паст ҳароратда, қуруқ шароитда ҳам узоқ вақт сақланади. Қуёш нури, ультрабинафша нурлар дезинфекция моддаларига ҳам ўта чидамлидир. Касаллик манбаи беморлар бўлиб, қўзғотувчини ахлат ва пешоб орқали ташқи муҳитга сариқ бошланиши даврда жуда кўп миқдорда чиқара бошлайди. Касалликнинг олди даври шунинг учун энг хавфли ҳисобланади. Касаллик оғир бошланиб, бемор бола харорати биринчи кунларданоқ юқори даражага кўтарилади ва ҳатто 38°С — 40°С гача етади. Биринчи кундан бошлаб заҳарланиш аломатлари, катарал белгилар (йўтал, аксириш, талоқ оғриши) яққол кўзга ташланади. Бемор боланинг ҳолсизланиши, иштаҳанинг йўқолиши ва қусиш белгилари кузатилади. Сариқ

Тозалик — соғлик гарови

олди даврида жигарнинг катталаниши ва қорин оғриш белгиларининг сустлиги тўғри ташхис қўйишда айрим қийинчиликларга сабаб бўлади. Бемор болада юқорида кўрсатилган белгиларни кейинги 2-3 кунда камайиши ва нисбатан аҳволнинг яхшиланиши оқибатида болалар мактабга, яслига, боғчага қатнай бошлайди. Айнан шу даврда юқиш омиллари юзага келиб юқумли сариқ касаллигининг эпидемия шаклида кечишига олиб келади.

Бемор боланинг шиллиқ қаватида ва терисида сарғайиш аломатлари пайдо бўлиши билан шифокорга мурожаат қилиш зарур.

Зарарланган сув, озиқ-овқат ва мулоқот орқали тарқаладиган сариқ касаллиги очиқ сув ҳавзаларининг ифлосланиши, кимёвий кўрсаткичларининг талаб даражасига жавоб бермаслиги, вирусларнинг кўпайиши натижасидир. Октябрь-декабрь ойлари бу жиҳатдан энг хавфли давр ҳисобланади. Ушбу хасталикнинг эпидемик жараёни мавсумийлик, даврийлик ва ижтимоий-биологик ҳолатларга ҳам боғлиқдир. Бемор хасталикнинг яширин даврида шифохонага етқизилиб ўз вақтида даволанмаса асорати оғир ўтади.

Шуни айтиш керакки сариқ касаллиги фақат тиббиёт муаммоси эмас. Хасталикни олдини олишда ижтимоий коммунал муаммолар ўз ечимини топиши ва шахсий профилактика алоҳида аҳамиятга эга бўлиши жуда зарур. Жумладан аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, дала шийпонларида, бозорларда санитария ҳолатини талаб даражасига кўтариш, жойларда маҳаллий ҳокимликлар томонидан фавқулодда эпидемияга қарши кураш комиссиялари қарорлари ижросини назоратга олиш талаб қилинади. Шахсий профилактикада эса покизаликка риоя қилиш, ҳатто водопровод сувларини ҳам қайнатиб ичиш, дуч келган жойларда овқатланмаслик, касаллик белгилари пайдо бўлганда шифокорларга мурожаат қилишни маслаҳат берамиз.

Боғчалар ва мактабларда сариқ касаллиги олдини олишда ошхоналар санитария ҳолатини яхшилаш ўқитувчилар учун машғулотлар ўтказиш, «шубҳали» ўқувчиларни тезда ажратиб олиш, мактабларни етарли миқдорда сантехника жиҳозлари билан таъминлаш, ҳожатхоналарни доимо дезинфекция қилиб туриш шартдир.

М. ҲАКИМОВ,
профессор

Кўнгил уйғонганда

Куз туни

(тонг олдидан)

Сукунат, сукунат, сукунат
На ғам бор, на ташвиш, на алам.
На қувонч, на шодлик, на севинч
Астагина тебранар қалам.

Тун бағрида борлиқ олар тин
Бўлган барча барчаси унут
Баргин тўкиб совуқ заҳридан
Дарахт ҳам жим сақлайди сукут.

Сариқ гилам тўшалган ерга
Дайди шамол дастидан тўзғир
Унутилган қувончу алам
Тонг отгач боз уйма-уй изғир.

ШОИР ВА ШЕЪР ҲАҚИДА

Шоир карвон, шеърлари сарбон
Етаклар илҳом хаёлот сари
Шоир инсон, шеърлари нарвон
Шеърда аён юксалмоқ сири.

Шоир она, шеърлари фарзанд
Ёмонидан-да кечолмайди воз.
Кўз юмишга ундаманг ҳарчанд
Қуёшдан кўра унга юлдуз соз.

Абдулбоқи КЕНЖАБОЕВ

ОЛТИНСОЙ: ойдин орзулар ушалди

Олтинсой тумани «Улуғбек» жамоа хўжалигида 360 ўринга мўлжалланган янги мактаб фойдаланишга топширилди. 30 миллион сўм маблағ сарфланган ушбу масканда ўқувчилар учун барча шароитлар муҳайё. Янги ўқув йилидан бошлаб спорт зали, ошхона, янги стадион ўқувчиларни ўз бағрига олди.

Шунингдек, «Қораариқ» маҳалла аҳли учун ҳам яна бир қулайлик — ичимлик суви келтирилди. Мингдан ортиқ киши истиқомат қиладиган ушбу маҳаллада кўпдан буён ичимлик суви ташиб келтириларди. Юқорида тилга олинган ишларнинг бажарилишида Олтинсой қурилиш ҳиссадорлик жамияти жамоасининг улкан хизмати бор, — дейди туман ҳокими Рустам Алимов. — Биз булар билан чегараланиб қолмаймиз, албатта. Айни кунларда «Хўжаипок»да юз ўринга мўлжалланган сиҳатгоҳ барпо этилмоқда. Унга олиб борувчи 30 километрли йўлни ҳам қайта асфальтлаяпмиз. Йил охиригача бу ишлар ҳам ўз ниҳоясига етади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ

тиқлол шарофати билан янги замон келди ва янги инсон шаклланмоқда.

Барча матбуот нашрлари сингари «Мулоқот» журнали жамоаси ҳам бу масъулиятли вазифани собитқадамлик билан уддаламоқда. Журналхонлар унинг ўтган йиллардаги сонларида шарқнинг буюк фарзандлари — Амир Темур, Муҳаммад Хоразмий, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Хўжа Аҳрор Валий, Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Абдурауф Фитрат ҳақида мақолалар ўқишди. Шунингдек, журнал юртдошларимизни муқаддас шаҳарлар — Самарқанд, Бухоро ва Хива тарихи билан таништирди. Ўтмишнинг энг ёрқин, миллатимизнинг энг шукуҳли онларини фахр билан ёдга олдик. Истиқлол ғояларини қалбларга жойлашда ҳам унинг хизматлари беқиёс даражада катта бўлаётир. Айниқса, журналимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом

миз. Шунингдек, йўлбошчимизнинг «Тафаккур» журналида эълон қилинган «Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ, миллатни — миллат қилишга хизмат этсин» деб номланган суҳбати юзасидан «Миллий мафкура миллатни бирлаштиради», «Мафкура — инсон манфаатлари ифодачиси», «Мафкура ва инсонпарварлик», «Миллат ва мафкура», «Халқ мафкураси — енгилмас куч», «Мафкура — ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприк» сингари мақолалар эълон қилиш ниятидамиз.

1999 йилда ҳам журнал ўз анъаналарига содиқ қолиб, «Муқаддас китоблар», «Табаррук шаҳарлар», «Маърифат булоқлари», «Шарқ алломалари», «Буюк мутафаккирлар» рукнида қизиқарли илмий ва бадиий асарларни ёритади.

Халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва миллий ўзига хос удумлари ҳақидаги мавзулар билан бирга умуминсоний қадриятлар ва ҳозирги даврнинг энг глобал — дунёвий муаммолар

«Оила — 98»

«ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР»

Қадрли муштарийлар! Таҳририятимиз «1998 йил — Оила йили» муносабати билан шу номда янги рукн ташкил этди. Унда ватанимизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларида яшаётган — юз ёшга тўлган ва ундан ўтган нуроний отахон ва онахонлар ҳақида маълумотлар бериб бормоқдамиз. Шундай кишилар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз, албатта бизга ёзиб юборинг.

Фамилияси *Марахимов*
Исми *Ортиқбой*
Отасининг исми *Марахим ўғли*
Қачон, қаерда туғилган *1890 йил Жамангон вил. Мингбулоқ тум. Жомашўй шаҳарчаси*
Ҳозир қаерда яшайди *Шу ерда*
Узоқ умр кўришнинг сири *Меҳнат, асаб-* (қисқа баён этилади) *бузарликсиз ҳаёт кечириш*
Юз ёшнинг хулосаси *Мучал билимни 9* (қисқа баён этилади) *парта қаршиладим, бу бахт бошқаларга ҳам насиб этсин*

Фотосурат ҳам илова қилиниши керак. Биз шу тариқа мамлакатимизда энг узоқ умр кўрган кишиларни аниқлаш ниятидамиз. Йил сўнггида улар таҳририятнинг махсус мукофоти билан тақдирланадилар.

Конвертга «ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР» РУКНИГА» деб ёзишни унутманг.

Ўн саккиз минг олам

Табиат ошуфтаси

Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси Хоразм вилоят бўлимига Раҳим Тоҳиров раҳбар қилиб тайинлангач, қўмита ташаббуси билан Амударё бўйлаб 100 чақирим узунлик ва 300 метр энлиликда муҳофаза майдони ташкил этилди. Шу мақсадда хўжаликлардан 3 минг гектар ер олиниб ўрмон хўжалигига айлантирилди. Ўша пайтда мазкур ҳудудда мингтача қирғовул қолганди. Уч йил ичида улар сони 12 мингга етди. Тўқайзорлар 500 гектарга кенгайди. Лекин вилоят ҳокими 1992 йили ҳимоя ҳудудидаги минг гектар ерни яна хўжаликларга олиб берди. Эндиликда табиат қўриқчилари 36 та хўжалик фаолияти устидан доимий назорат ўрнатишга мажбур. Қирғовуллар эса...

Кейинги йилларда ичимлик суви заводи, Туямўйин қувури қурилиб, у Канораси сув омборига уланди. Аҳолининг 75 фоизи водопровод суви билан таъминланди. Оқава сувлар миқдори 50 фоиз, ҳавога чиқаётган заҳарли газлар 40 фоиз қамайди. Қаровсиз, эгасиз ётган ерларда балиқчилик, ўрмончилик хўжаликлари барпо бўлди, овчилар жамияти тузилди. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида автобуслар ўрнига экологик безарар троллейбус қатновини йўлга қўйиш масаласи кўрилиб тегишли қарор қабул қилинганди, бу ҳам амалга ошди. Фақат ўтган йилнинг ўзида 21 миллион 603 минг туп кўчат экилди. Қумликларда ўрмонлар барпо этиш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Балиқларни сунъий урчитиш уялари ўрнатиляпти. Бу ишларда Раҳим Тоҳировнинг беминнат хизмати бор.

Ориф ФАРМОН

Спорт

Кучлилар даврасида

Истамбул шаҳрида кикбоксинг бўйича ўтказилган Европа очиқ чемпионати қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. Мусобақада 42 мамлакатдан 500 дан зиёд спортчининг қатнашгани ҳам ғолиблик учун курашнинг кескин тус олганидан нишонадир. Мусобақада иштирок этган ватанимиз спортчилари ҳам бўш келмасликка ҳаракат қилишди. Улар битта кумуш, учта бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида Европа мамлакатлари ўртасида бешинчи бўлишди. Бу ютуққа Акмал Зокиров финалга чиқиш, Зоир Бўриев, Владислав Нам ва Владислав Резниклар учинчи ўринни эгаллаш билан ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Оммавийлик нишони

Тошкентдаги «ЖАР» спорт мажмуида қизиқарли мусобақа ўтказилди. Бу ерда мухлислар каратэ бўйича «Мустақиллик — 98» халқаро баҳсларининг шоҳиди бўлдилар. Беллашувларда Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон жамоаларининг 300 дан кўпроқ каратэчиси майдонга тушди. Биринчи марта дунёда энг ривожланган спорт тури бўйича болалар ва ўсмирлар ўртасида бундай нуфузли мусобақанинг ташкил этилиши юртимизда каратэга қизиқиш катталиги ва унинг тобора оммавийлашиб бораётганлигидан нишонадир. Мусобақада барча ёшлар бўйича вакилларимиз совринли ўринларни эгаллашди. Ғолиблардан Р. Ашуров, Р. Маъ-расулов, О.Расулов, У. Муҳсимов каби ўнлаб каратэчиларнинг ёшлигиданоқ спортнинг мазкур турини ўзларига касб қилиб олишга аҳд қилишгани диққатга сазовордир. Муҳими мутахассислар Қарши, Андижон, Самарқанд ва Нукус шаҳарларида каратэга эътибор катталигини, бу ерларда умидли ёшлар камол топаётганлигининг гувоҳи бўлдилар.

Жавобига умид боғлаб

Олий лига футбол жамоалари мамлакат миллий чемпионатини муваффақиятли якунлаш учун сўнгги учрашувларда ҳужумкорликка зўр бериб мавқеларини мустаҳкамлашга интилмоқдалар. Ғарчанд, чемпионат совриндорларининг номлари ҳали узил-кесил аниқланмаган бўлсада, мухлислар бу йилги мавсумда «Пахтакор», «Нефтчи», «Навбаҳор» футболчилари фахрли ўринларни эгаллашларига умид қилмоқдалар. Пахтакорчилар учта ўйинни кам ўтказишган бўлсада, 57 очко билан карвонбошилик қилишмоқда. Зотан, «Нефтчи» сира бўшашмай пешқадамликни орзу қилиб турибди. Бу иккала жамоа 25-турда Фарғонада ўзаро учрашишлари лозим эди. Пахтакорчиларнинг Осиё кубок эгалари кубоги учун баҳснинг навбатдаги босқичида Туркманистоннинг «Нисса» футболчилари билан учрашишлари муносабати билан бу ўйин кечиктирилди. Тошкентликлар эса афсуски, сафарда туркман футболчиларининг ҳужумларига дош бера олмай дарвозаларидан 5 та жавобсиз тўп ўтказиб юбордилар. Энди ишқибозлар 23 октябрда Тошкентда бўладиган такрорий, яъни жавоб учрашувига умид боғлашмоқда. 25-турнинг қолган ўйинлари қуйидагича якунланди: «Сўғдиёна» — МҲСК — 4:2, «Хоразм» — «Косонсой» — 3:0, «Андижон» — «Трактор» —1:1, «Металлург» — «Зарафшон» —1:0, «Сурхон» — «Навбаҳор» — 3:1, «Бухоро» — «Насаф» — 2:1, «Темирйўлчи» — «Дўстлик» — 1:0. 26-тур ўйинлари эса кеча бошланди.

ТАШКИЛОТ

«ВАЗ», «Москвич», «ГАЗ-24», «ГАЗ-53», «УАЗ», «ЗИЛ», «МАЗ», «КамАЗ» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни сотади.

ҲАҚ ТЎЛАШ — ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти доирасида харидорнинг омборхонасигача бепул етказиб бериш мумкин.

Манзил: *Тошкент, Нукус кўчаси, 29 («Ўзбекистон» маиший хизмат кўрсатиш уйи) – Мўлжал Шимолий темир йўл вокзали.*

Телефон: 54-56-11. Факс: 54-49-11 Пейжер: (067) 90-79

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-47-80, 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Ҳамид ИКРОМОВ*, навбатчи *Маъмуржон ҚИЁМОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ҲАМИДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 20.122 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади
Г — 0397

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.00
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА